

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

МАМАТИСАЕВ ҒИЁСИДДИН ИЛХОМИДИНОВИЧ

**ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА БИНО ҚУТИСИМОН КОНСТРУКЦИЯСИНИНГ ДИНАМИК
ҲИСОБЛАШ УСУЛИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Маматисаев Гиёсиддин Илхомидинович

Элементларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бино кутисимон
конструкциясининг динамик ҳисоблаш усули.....3

Маматисаев Гиёсиддин Илхомидинович

Методика динамического расчета коробчатой конструкции зданий с учетом
взаимодействия их элементов23

Mamatisaev Giyosiddin Ilxomidinovich

Method of dynamic calculation of box design of buildings taking into account
interaction their elements.43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

МАМАТИСАЕВ ҒИЁСИДДИН ИЛХОМИДИНОВИЧ

**ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА БИНО ҚУТИСИМОН КОНСТРУКЦИЯСИНИНГ ДИНАМИК
ҲИСОБЛАШ УСУЛИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2018.2.PhD/T626 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реюзме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instmech.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усаров Махаматали Корабоевич
физика-математика фанлари доктори, катта
илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Абдусатторов Абдусамат
техника фанлари доктори, профессор

Худойназаров Хайрулла
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация химояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «23» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1 - мажлислар зали. Тел.: (99871) 262-71-52; факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33 уй.

Диссертация автореферати 2020 йил «10» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «10» декабрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).



М.М. Мирсаидов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги

А.М. Фатхуллоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби в.в.б, т.ф.д., доцент.

Р.А. Абиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сейсмик мустаҳкамлик нуқтаи назаридан, энг зўр иншоотларни куришда уларнинг ишончилигини нафақат тузилма материалнинг мустаҳкамлиги, балки уларнинг шакли ва ўлчамлари ҳам таъминлайди. Бироқ, қатъий фазовий ҳолатга эга бино конструкциясининг сейсмик мустаҳкамликка динамик ҳисоблашда бино шаклини ҳисобга олиш қийинчилик келтириб чиқаради.

Кўплаб зилзилалар оқибатининг таҳлили биноларнинг зарарланиши, уларнинг режадаги тузилиши билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш имконини берди: қанча режаси мураккаб бўлса, шунча бино ҳажмий бир бутунлигининг бузилиш эҳтимоли конструкцияларнинг чокларида ва уларнинг ўзаро боғланишида, энг аввало турли йўналишдаги деворлар бирлашган жойларда, яъни ички ва ташқи бурчаклар яқинида юқори бўлади. Бинонинг нотекис деформацияланишидаги шикастланиш сабаблари, буровчи тебранишнинг вужудга келиши, грунтли асоснинг нотекис чўкиши, режадаги симметриянинг йўқлиги, бинонинг баландлиги бўйича мунтазамликни бузилиши ва бошқаларга боғлиқ. Кўрсатилган сабабларнинг аксарияти бинонинг асосий ўқларига тўғри келмайдиган грунтнинг сейсмик ҳаракатлари пайтида биноларнинг фазовий иши билан боғлиқ ва шунинг учун мавжуд консолли ҳисоб моделлари доирасида ҳисобга олиш имкони йук, балки бинонинг фазовий моделлари доирасида олдиндан ташхисни айтиш мумкин. Шунинг учун, сеймик таъсирлар остида бинонинг фазовий ишини акс эттирувчи аниқ моделларни танлаш, ва уларнинг динамик ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда ва курилиш механикасида иншоотлар назариясини ривожлатиришнинг кейинги босқичи ҳисобланади.

Зилзилабардошлик назариясининг долзарб масалаларидан бири боғланишлардаги узилиш таъсирини ҳисобга олиш, платинасимон элементларнинг ўзаро таъсирини, дераза ва эшиклар ўрнини эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...шаҳарларда энергия жихатдан самарадор арзон кўп квартирали уйларни куриш,.... реконструкция қилиш ва мавжудларини капитал таъмирлаш орқали аҳоли турмуш тарзини яхшилаш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан бино ва иншоотларни сейсмик таъсирларга ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, бино қутисимон модели асосида биноларни динамик характеристикаларини аниқлаш, бино ва иншоотларни кучланганлик-деформацияланган ҳолатини сонли ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 71-сон «Фавқулодда ҳолатларни прогноз қилиш ва олдини олиш бўйича Давлат дастурини тасдиқлаш» тўғрисидаги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсמודинамикаси ва информатика» ва XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуйидаги маҳаллий олимларнинг ишлари ер ости ва ер усти иншоотларининг зилзилабордошлиги муаммоларига бағишланган:

М.Т.Ўразбоев, Т.Р.Рашидов, Т.Ш.Ширинқулов, Я.Н.Мубараков, М.М.Мирсаидов, К.С.Султанов, Г.Х.Хожметов, Р.Х.Мухутдинова, К.С.Абдурашидов, А.Абдусатторов, А.А.Ашрабов, Б.М.Мардонов, У.Ш.Шамсиев, Х.С.Сағдиев, И.С.Сафаров, И.Мирзаев, Х.Худайназаров, Т.З.Султанов, К.Д.Салямова, Б.Э.Хусанов, А.Б.Ахмедов, С.Ж.Раззақов, Р.А.Абдиқаримов, В.А.Кондратьев, М.К.Усаров, З.Р.Тешабаев, Д.Ф.Руми ва хорижий муаллифлар: К.С.Завриев, Я.М. Айзенберг П.П. Шагин, А.С. Калманка, А.Р. Ржаницын, Д.М. Подольского, В.И. Лишак, Т.Л. Чагуа, С.М. Сойбельман, Б.А. Косицин, И.И. Гольденблат, С.В. Поляков, И.Л. Корчинский, В.К. Егупов, Т.А. Командрина, Ш.Г. Напетваридзе, Г.Н. Кобидзе, М.А. Марджанишивили, А. А. Амосов, С. Б. Сеницын, S.M. Dickinson, G.V. Warburton, К.Н. Handa ва бошқалар.

Конструкцияларни ҳисоблашда юк таъсиридаги конструкцияларнинг деформациясида вужудга келувчи таъсирларни соддалаштирувчи, ҳисоблаш аниқлиги, мураккаблилиги ва қийинлиги нуқтаи назаридан ҳам амалий мақбул бўлган қандайдур турдаги ҳисоблашдан фойдаланилади. Биноларнинг консоль ҳисоблаш схемаларидан фарқли равишда, реал иншоотларга яқин бўлган такомиллаштирилган ҳисоблаш схемасига ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бундай зарурат, биноларнинг ҳисоблаш ва лойиҳалашдаги мавжуд усулларнинг бино қутисининг ўлчамларини, диафрагма ва томёпма элементларининг оптимал муносабатини аниқлаб бера олмаслиги сабабли келиб чиқади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Механика ва иншоотлар сейсмик мустақкамлиги институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф8-Ф089 «Эластикликнинг учўлчовли динамик назарияси доирасида пластинасимон ва қобиксимон конструкцияларнинг ва ўзаро таъсирлашувчи муҳитларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш» (2008–2011), ФА-А16-Ф042; ФА-А16-Ф036; ФА-А16-Ф046 «Динамик таъсирлар остида "тупроқ - иншоот" тизимини замонавий тадқиқот усуллариини ишлаб чиқиш, тупроқ тўғонларининг ишончилиги ва сейсмик чидамлилигини баҳолашнинг илмий ва амалий усули ҳамда ноэластик деформацияни ҳисобга олган ҳолда ёриқ материалларни ҳисоблаш усуллари» (2009–2011) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тузулмавий хусусиятларини, материалнинг геометрик ва механик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, динамик юк таъсирида бино қутисимон фазовий моделларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини динамик ҳисоблаш ва баҳолаш алгоритминини ва услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифаси

бинонинг фазовий деформациясини акс эттирувчи қутисимон конструкциянинг динамик моделини ишлаб чиқиш;

бино қутисимон конструкциясининг тузилмавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, тебраниш масаласи кўйилишини шакллантириш;

қутисимон конструкциянинг пластинкасимон ва балкасимон элементларининг ўзаро бирлашган ҳудудларининг боғлиқлик шартларини ва асосдаги чегаравий шартларини шакллантириш;

дераза ўринларини ҳисобга олган ва олмаган ҳолда ва бинонинг қутисимон конструкциясининг эркин тебраниш масаласини ечиш;

бино қутисимон конструкциясининг хусусий частоталарини, шакллари ва тебраниш даврларини аниқлаш;

дераза ўринларини ҳисобга олган ва олмаган ҳолда бино қутисимон конструкциясининг мажбурий тебранишининг стационар масаласини ечиш;

дераза ўринларини ҳисобга олган ва олмаган ҳолда бино қутисимон конструкциясининг мажбурий тебранишининг ностационар масаласини ечиш;

эгилишга ишловчи пластинасимон ва балкасимон элементларнинг максимал кўчиш қийматларини аниқлаш;

чекли айрималар усули асосида қутисимон бино элементларининг кучланганлик – деформацияланганлик ҳолатини динамик ҳисоблаш услуби, алгоритми ва дастурини ишлаб чиқиш;

пластинасимон элементлар учун эгувчи момент ва кесувчи кучнинг максимал қийматларини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бино қутисимон конструкциясининг динамик модели ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – бинолар конструкциясининг қутисимон моделини ва қутисимон конструкцияли бино ва иншоотларнинг динамик хусусиятларини, кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатининг тадқиқот усулини такомиллаштириш.

Тадқиқот услуги. Тадқиқот жараёнида деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси, юпқа пластиналарнинг тебраниш ва эгилиш назарияси усули, қурилиш механикаси, математик моделлаштириш, алгоритмлаш, сейсмик тебранишлар назарияси услуги, динамик тавсифларни ҳисоблаш учун чекли айрималар усули, сонли эксперимент усулларидадан фойдаланилади.

Диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

балка ва пластинасимон элементларининг хавфли кесимларини аниқлаш имконини берувчи ва уларнинг ўзаро боғлиқлик шартларини тўлалигича ҳисобга олувчи бино конструкциясининг қутисимон динамик модели такомиллаштирилган;

динамик таъсирлар остида пластинасимон ва балка элементларидаги, ҳамда уларнинг боғланиш чокларидаги кўчиш ва кучланишларининг тақсимланиш қонуни ва максимал қийматларини аниқлаш имконини берувчи бино қутисимон конструкциясининг эркин ва мажбурий тебранишлари масалалари шакллантирилган ва ечиш усуллари ишлаб чиқилган;

сейсмик таъсирлар натижасида бино қутисимон конструкциясининг ташқи пластинасимон элементларининг кучланганлик – деформацияланганлик ҳолатини сонли динамик ҳисоблаш услуги ва дастурлари ишлаб чиқилган;

сейсмик таъсирлар натижасида бино қутисимон конструкцияси ички пластинасимон элементларининг кучланганлик – деформацияланганлик ҳолатини сонли динамик ҳисоблаш услуги ва дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

пластинасимон ва балка элементларининг тузилмавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик таъсирлар остидаги бино қутисимон конструкцияси динамик моделининг ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди;

сейсмик таъсирлар остида бино қутисимон конструкциясининг эркин ва мажбурий тебраниш масалаларини ечишнинг сонли усули ишлаб чиқилди;

динамик таъсирлар остида пластинасимон ва балка элементларининг кўчиш ва кучланишларининг максимал қийматларини аниқлаш имконини берувчи ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган(гувоҳнома № DGU 07342);

сейсмик таъсирлар остида бино қутисимон конструкциясининг ички, ташқи пластинасимон элементларининг бирлашган ҳудуларининг кучланганлик – деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш имконини берувчи ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган (гувоҳнома № DGU 07235).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги эластиклик назарияси ва деформацияланувчи қаттиқ жисм механикасининг умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари ҳамда бино ва иншоотларни ҳисоблашнинг қутисимон моделларидан фойдаланиб тадқиқотлар ўтказган бошқа тадқиқотчилар натижаларига мос тушиши ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ўтказилган тадқиқотнинг илмий аҳамияти биноларнинг қутисимон конструкцияли моделини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, унинг асосида сейсмик таъсирлар остида бино элементларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли фазовий ҳисоблаш ва баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қутисимон конструкцияларни сейсмик таъсирлар остида динамик ҳисоблаш усуллари, ташқи ва ички пластинкасимон элементларининг кучланганлик -деформацияланганлик ҳолати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бино конструкциясининг қутисимон динамик моделидан фойдаланиб иншоотларнинг фазовий ҳисоблашнинг ишлаб чиқилган динамик усуллари тадқиқотлари бўйича олинган илмий натижалар асосида қуйидаги асосларга эришилди:

сейсмик юкламалар таъсиридаги биноларнинг қутисимон конструкцияларининг хавфли зоналарини аниқлаш учун ҳисоблаш услуги **ООО «NURAFSHON ELEKTR SERVIS** да Андижон шаҳри, Ғайрат кўчасида жойлашган “5 қаватли, 1 қавати савдо-майиший хизмат, 2-3-4-5 қаватлари яшаш хоналаридан иборат уй қурилиши” объект конструкцияларининг динамик ҳисоблаш жараёнига жорий этилган (*Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 12 мартдаги 2352/09-07-сонли амалиётга тадбиқ этиш бўйича маълумотномаси*). Натижада бино конструкциясининг ишончилигини 15–20% га ошириб, бинонинг зилзилабардошлигини таъминлаш имконини берган;

бино конструкциясининг қутисимон динамик модели асосидаги ҳисоблаш услуги “Фарғона вилояти қурилиш бошқармаси” нинг Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри Аэропорт кўчасидаги “9 қаватли уй қурилиши” объектида бинонинг сейсмик таъсирларга ҳисоблашга жорий қилинган (*Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 12 мартдаги 2352/09-07-сонли амалиётга тадбиқ этиш бўйича маълумотномаси*). Натижада ҳисоблаш жараёнига сарфланадиган вақтни 1,2 баробар қисқартириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари шакллантирилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ва уларни амалиётга жорий қилиш баён қилинган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бино ва иншоотларни сейсмик мустаҳкамликка ҳисоблаш бўйича илмий ишлар шарҳи ва таҳлили**» деб номланган биринчи бобида сейсмик кучлар таъсирида бино ва иншоотларнинг турли схемалардан фойдаланиб динамик ҳисоблашга ва фазовий моделларини ишлаб чиқишга бағишланган мавжуд илмий ишларнинг шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Динамик таъсирлар остида бино қутисимон конструкциясининг тебраниш масаласининг қўйилиши**» – деб номланган иккинчи бобида балкасимон ва тўғрибурчак пластинасимон элементлардан ташкил топган фазовий бино қутисининг (1-расм) динамик ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган.



1-расм. Биноларнинг фазовий қутиси

Бинонинг фазовий қутисимон конструкциясининг пластинкасимон элементлари учун қуйидаги белгилашларни киритамиз (1-расмга қаранг).

b , E_b , ν_b , ρ_b ва h_b – мос равишда 1 ва 3 пластинкасимон элементларнинг эни, эластиклик модули, Пуассон коэффициенти, зичлиги ва қалинлиги;
 c , E_c , ν_c , ρ_c ва h_c –мос равишда 2 ва 4 пластинкасимон элементларнинг эни, эластиклик модули, Пуассон коэффициенти, зичлиги ва қалинлиги;

Барча балка элементлари бир хил материалга, кўндаланг кесими ўлчами h_c , h_b тўғрибурчак кесимга, бир хил эластиклик ва силжиш модулларига E ва G , Пуассон коэффициентига ν , зичликка ρ эга. Балка кесимининг эгилиш ва буралишдаги инерция моментлари J ва $I_{кр}$.

Қути остки қисмининг кўчиш қонунини $U_0(t)$ қуйидаги кўринишда қабул қилган

$$U_0(t) = A_0 \sin(\omega_0 t), \quad (1)$$

бу ерда A_0 , ω_0 – мос равишда ташқи таъсирнинг амплитуда ва частотаси.

Бино қутисимон конструкциясининг ҳар бир платинкасимон ва балка элементлари учун ҳаракат тенгламалари тузилди. Платинкасимон элементларнинг ҳаракат тенгламаларини қуришда уларни Кирхгофф-Ляв гипотезасига бўйсунувчи эгилювчан юпқа пластина деб, балкалар эса эгилади ва буралади деб тасвирланган.

Бино қутисининг умумий кинематик ҳаракат қонуни асоснинг кўчиши $U_0(t)$ ҳамда пластинасимон ва балка элементларидаги нисбий кўчишлар функцияларининг йиғиндиси кўринишида акс эттирилган:

$$u_1 = U_0(t) + u(x, z, t), \quad (2)$$

$$u_2 = v(x, z, t), \quad (3)$$

$$u_3(x, y, t) = U_0(t) + W(x, y, t), u_3^{(i)}(x, t) = U_0(t) + W^{(i)}(x, t), \quad (4)$$

бу ерда $W(x, y, t)$ ва $W^{(i)}(x, t)$ - эгилишга ишловчи платинкасимон ва балка элементларининг эгилиши, $u(x, z, t)$, $v(x, z, t)$ - силжишга ишловчи платинкасимон элементларнинг OZ ва OX ўқлари бўйича нисбий кўчишлари, i - балка рақамлари (*I, II, III, IV*).

Бўйлама пластинасимон элементлар 1 ва 3 (1-расмга қаранг) эгилишга, шунингдек, ички кўндаланг пластинасимон элементлар 2 ва 4 (1-расмга қаранг) чўзилишга, сиқилишга ва фақат вертикал текислиги бўйича силжишга ишлайди деб фараз қилинган. Ушбу фаразга кўра (4) ифодани ҳисобга олиб эгилишга ишловчи пластинасимон элементларининг ҳаракат тенгламаси, ҳамда (2) ва (3) ифодаларни ҳисобга олиб силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг икки ўлчовли ҳаракат тенгламалари қуйидаги кўринишда ёзилган:

$$D\left(\frac{\partial^4 W}{\partial x^4} + 2\frac{\partial^2}{\partial x^2}\left(\frac{\partial^2 W}{\partial y^2}\right) + \frac{\partial^4 W}{\partial y^4}\right) + \rho h_b \ddot{W} = -\rho h_b \ddot{U}_0, \quad (5)$$

$$B\left(\frac{\partial^2 u}{\partial z^2} + \frac{1+\nu_c}{2}\frac{\partial^2 v}{\partial x \partial z} + \frac{1-\nu_c}{2}\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}\right) - \rho h_c \ddot{u} = +\rho h_c \ddot{U}_0, \quad (6)$$

$$B\left(\frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + \frac{1+\nu_c}{2}\frac{\partial^2 u}{\partial x \partial z} + \frac{1-\nu_c}{2}\frac{\partial^2 v}{\partial z^2}\right) - \rho h_c \ddot{v} = 0,$$

бу ерда: $D = Eh^3_b/12(1-\nu^2)$ – пластинасимон элементларнинг кўндаланг эгилишдаги цилиндрик бикирлиги; $B = Eh_c/(1-\nu^2)$ – пластинасимон элементларнинг чўзилиш ва сиқилишдаги цилиндрик бикирлиги.

Эгилишга ва буралишга ишловчи балкаларнинг ҳаракат тенгламалари қуйидаги кўринишга эга:

$$\frac{\partial M^{(i)}}{\partial x} - Q^{(i)} + \frac{h_b}{2} P_{zx}^c = 0, \quad (7,a)$$

$$\frac{\partial Q^{(i)}}{\partial x} + \rho F \ddot{W}^{(i)} = R_y^b - P_z^c - \rho F \ddot{U}_0, \quad (7,b)$$

$$\frac{\partial M_{kr}^{(i)}}{\partial x} = \rho I_{kp} \ddot{\alpha}^{(i)} + M_{yy}^b + \frac{h_c}{2} \cdot R_y^b. \quad (7,b)$$

бу ерда $M_{kr}^{(i)} = GI_{kp} \frac{\partial \alpha^{(i)}}{\partial x}$, $M^{(i)} = EJ \frac{\partial^2 W^{(i)}}{\partial x^2}$ - балкаларнинг буровчи ва эгувчи

моментлари, $Q^{(i)} = EJ \frac{\partial^3 W^{(i)}}{\partial x^3}$ - балкаларнинг кесувчи кучлари,

$$R_y^b = (R_y)_{y=b_i} = -D \frac{\partial}{\partial y} \left[\frac{\partial^2 W}{\partial y^2} + (2 - \nu_b) \frac{\partial^2 W}{\partial x^2} \right]_{y=b_i} \quad \text{ва} \quad P_z^c = B \left(\frac{\partial u}{\partial z} + \nu_c \frac{\partial v}{\partial x} \right)_{z=c_i},$$

$P_{xz}^c = \frac{B(1 - \nu_c)}{2} \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial z} \right)_{z=c_i}$ - балка билан эгилишга ва силжишга ишловчи

пластинасимон элементлар орасида пайдо бўладиган реактив, бўйлама ва

уринма кучлар, $\alpha^{(i)}$ - балканинг буралиш бурчаги, $M_{yy}^b = -D \left(\nu_b \frac{\partial^2 W}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 W}{\partial y^2} \right)_{y=b_i}$ -

эгувчи момент; GI_{kp} - балканинг буралишдаги бикирлиги, EJ - балканинг эгилишдаги бикирлиги, b_i и c_i - балканинг мос координаталари.

Эгилишга ва силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг юқори нуқталарининг кўчишини куйидагича белгилаймиз

$$W_a(y, t) = W(a, y, t), \quad u_a(y, t) = u(a, z, t), \quad v_a(z, t) = v(a, z, t).$$

бу ерда $W_a(y, t)$ ва $u_a(z, t)$, $v_a(z, t)$ - эгилишга ва силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг юқори нуқталарининг кўчиши.

Томёпманинг ҳаракат тенгламаси куйидаги ифода асосида қурилган.

$$\begin{aligned} u_n(z, y, t) &= W_a(y, t) + u_a(z, t) - W^{(i)}(x, t), \\ v_n(z, y, t) &= v_a(z, t), \end{aligned} \quad (8)$$

бу ерда $u_n(z, y, t)$, $v_n(z, y, t)$ - томёпма нуқталарининг горизонтал ва вертикал кўчишлари,

Бино қутиси элементларининг ўзаро боғланиш шартлари ва уларнинг юқори ва остки қисмларидаги чегаравий шартлар келтирилган. Пластинкасимон ва балка элементларининг ўзаро вертикал кесимларидаги кинематик боғланиш шартлари куйидаги кўринишда берилган

$$\begin{aligned} u(x, z, t)_{z=c_i} &= W^{(i)}(x, t), \quad v(x, z, t)_{z=c_i} = \pm \frac{h_b}{2} \frac{\partial W^{(i)}(x, t)}{\partial x}, \\ W(x, y, t)_{y=b_i} &= W^{(i)}(x, t), \quad \left(\frac{\partial W(x, y, t)}{\partial y} \right)_{y=b_i} = -\alpha^{(i)}. \end{aligned} \quad (9)$$

Кўндаланг ва бўйлама пластинасимон элементларнинг ўзаро боғланиш шартлари сифатида балкаларнинг эгилиш ва буралишдаги тебраниш (7) ҳаракат тенгламалари қабул қилинган.

Эгилишга ва силжишга ишловчи пластинасимон элементлар ва томёпма орасидаги боғланиш шартлари, уринма ва нормал кучланишларга нисбатан куйидаги кўринишда ёзилган

$$\begin{aligned} -R_x^a + \eta_0 \rho_n h_b h_n \ddot{W}_a &= h_b h_n \frac{\partial \tau_{zy}^n}{\partial y} - \eta_0 \rho_n h_b h_n \ddot{U}_0, \quad M_{xx}^a = 0, \\ M^{(i)} &= 0, \quad -Q^{(i)} + \eta_0 \rho_n h_b h_n \ddot{W}^{(i)} = -\eta_0 \rho_n h_b h_n \ddot{U}_0, \quad M_{kr}^{(i)} = 0. \end{aligned} \quad (10, a)$$

$$\begin{aligned}
- ch_c \tau_{zx}^c + m_{nc} \ddot{u}_{n,\kappa} &= ch_c h_n \frac{\partial \sigma_{zz}^n}{\partial z} - m_{nc} \ddot{U}_0, \\
- ch_c \sigma_{xx} + m_{nc} \ddot{v}_{n,\kappa} &= ch_c h_n \frac{\partial \sigma_{zx}^n}{\partial z}.
\end{aligned}
\tag{10,б}$$

бу ерда $R_x^a = (R_x)_{x=a} = - \left[D \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{\partial^2 W}{\partial x^2} + (2 - \nu_b) \frac{\partial^2 W}{\partial y^2} \right) \right]_{x=a}$, $\eta_0 = \frac{bc}{2(bh_b + ch_c)}$,

$$\sigma_{zz}^n = E_n \left[\frac{\partial u}{\partial z} \right]_{x=a}, \quad \sigma_{zx}^n = G_n \left[\frac{\partial v}{\partial z} \right]_{x=a}, \quad G_n = \frac{E_n}{2(1 + \nu_n)}, \quad \sigma_{xx}^c = E_c \left[\frac{\partial v}{\partial x} + \nu_c \frac{\partial u}{\partial z} \right]_{x=a},$$

$$\tau_{zy}^n = G \frac{\partial W}{\partial y}, \quad \tau_{zx}^c = G_c \left[\frac{\partial v}{\partial z} + \frac{\partial u}{\partial x} \right]_{x=a},$$

E_n – томёпманинг эластиклик модули; G_n – томёпманинг силжиш модули, ν_n – томёпманинг Пуассон коэффиценти; ρ_n – томёпма зичлиги; h_n – томёпманинг қалинлиги.

Бино қутисининг остки қисмида ($x=0$) чегаравий шартлар харакатланувчи кистириб маҳкамланган балка каби ёзилган, яъни бино қутисининг остки қисми буралмайди ва берилган қонуният (1) бўйича кўчади

$$u_1(x, z, t) = u_3(x, y, t) = u_3^{(i)}(x, t) = U_0(t), \quad u_2(x, z, t) = 0 \tag{11}$$

$$\frac{\partial W}{\partial x} = 0, \quad \frac{\partial W^{(i)}}{\partial x} = 0, \quad \alpha^{(i)} = 0. \tag{12}$$

Диссертацияда чекли айирмалар усулини қўллаш асосида бино қутисимон конструкцияси элементларининг кучланганлик - деформация ҳолатининг динамик масалаларини сонли ечиш усуллари ишлаб чиқилган. Фазовий координаталар бўйлаб кўчишлар ҳосилаларини аппроксимацияси ифодалари учун марказий айирмалар схемаларининг формулаларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг – **“Бинонинг фазовий қутисимон конструкциясининг тебраниши”** деб номланган учинчи бобида бино қутисимон конструкциясининг дераза ўринларини ҳисобга олиб ва ҳисобга олмасдан эркин ва мажбурий тебраниш масаласи келтирилган.

Чегаравий шартларни қаноатлантирувчи қутисимон конструкциясининг харакат тенгламалар тизимининг умумий ечими n - ўлчовли вектор кўринишида тақдим этилган:

$$\vec{q} = \vec{q}(x, y) \sin(pt), \tag{13}$$

бу ерда: \vec{q} – n компонентли $\{q_1, q_2, \dots, q_n\}$ кўчиш вектори, p – эркин тебранишларнинг асосий частотаси.

Тўрлар усулини қўллаш асосида номаълум функцияларнинг кўчишини топамиз

$$q_i = \lambda_i \sin(pt), \tag{14}$$

бу ерда: λ_i – бино қутиси нукталарининг эркин тебранишлари амплитудаси бўлиб, қуйидаги бир жинсли тенгламалар системасидан аниқланади:

$$\sum_{k=1}^N (a_{i,k} \lambda_k - p^2 \lambda_k) = 0. \tag{15}$$

(15) тенгламалар системаси ечимининг мавжудлик шarti куйидаги частота тенгламасининг бажарилиши билан қаноатлантирилади:

$$|a_{i,k} - p^2| = 0. \quad (16)$$

Бино қутиси балка ва пластинасимон элементларининг тугун нуқталари сони (15) тенгламалар системаси тартибига тенг.

Кўндаланг ва бўйлама пластинасимон элементларнинг фазовий ишида бино қутисининг эркин тебраниш масаласининг назарий ечими келтирилган.

Пластинасимон ва балка элементларининг ҳаракат тенгламаларидан (5)-(7), куйидаги фараз $U_0(t)=0$ орқали пластинасимон элементлари нуқталарининг кинематик кўчиш қонуни куйдагича ёзилган

$$u_3 = W(x, y, t), u_3^{(i)} = W^{(i)}(x, t), u_1 = u(x, z, t), u_2 = v(x, z, t). \quad (17)$$

Эгилишга ва силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг эгилиш ва кўчиш функциялари куйидаги кўринишда тақдим этилган

$$W = W(x, y) \sin(pt), u = u(x, y) \sin(pt), v = v(x, y) \sin(pt), \quad (18)$$

бу ерда p - хусусий тебранишларнинг асосий частотаси.

Балкаларнинг кўчиш ва буралиш бурчаги функциялари куйидагича тақдим этилган

$$W^{(i)} = W^{(i)}(x, y) \sin(pt), \alpha^{(i)} = \alpha^{(i)}(x, y) \sin(pt), \quad (19)$$

Олинган сонли натижаларни бошқа муаллифларнинг ҳисоб натижалари билан солиштириш учун У.Ш.Шамсиевнинг ишларида келтирилган қутисимон конструкциянинг куйидаги дастлабки маълумотлари учун ҳисоблар кўрилган: Эгилишга ишловчи пластинасимон элементлар (1-расмга қаранг, 1 ва 3) бир хил эластик тавсифга эга: эластиклик модули $E=7500$ МПа; зичлиги $\rho=1.2$ т/м³; Пуассон коэффиценти $\nu =0.25$. Силжишга ишловчи пластинасимон элементлар учун (1-расмга қаранг, 2 ва 4): эластиклик модули $E=20000$ МПа, зичлиги $\rho =2.5$ т/м³, Пуассон коэффиценти $\nu =0.25$. Геометрик ўлчамлар сифатида куйидагилар берилган: эгилишга ишловчи 1 ва 3 пластинасимон элементларнинг қалинлиги, $h_b=0.28$ м, баландлиги $a=3$ м ва узунлиги $b=4$ м, 2 ва 4 пластинасимон элементларнинг қалинлиги $h_c=0.12$ м; узунлиги $c=5$ м.

Диссертант ва У.Ш.Шамсиев томонидан олинган сонли натижалар шуни кўрсатдики. Диссертация ҳисобларидан олинган биринчи хусусий частота У.Ш.Шамсиевнинг илмий ишлари кўрсаткичларига солиштирилганда 15% га кўп (1-жадвал).

1-жадвал.

Бино қутисининг хусусий тебраниш частотаси ва даври қийматлари

Диссертациянинг натижалари		У.Ш.Шамсиевнинг монография натижалари	
хусусий частота, рад/с	давр, с	хусусий частота, рад/с	давр, с
$p_1=483.41$	$T_1=0.0130$	$p_1=429.31$	$T_1=0.0146$
$p_2=519.66$	$T_2=0.0121$	$p_2=2181.95$	$T_2=0.0028$
$p_3=613.18$	$T_3=0.0102$	$p_3=4835.775$	$T_3=0.0013$
$p_4=626.18$	$T_4=0.0100$	$p_4=8689.91$	$T_4=0.0007$

Диссертация ҳисобларидаги қолган хусусий частоталар, У.Ш.Шамсиевнинг илмий ишларидаги қийматлардан кам. Бу шуни англатадики У.Ш.Шамсиевнинг илмий ишларида бино қутисимон конструкцияси элементларининг боғланиш шартлари тўлиқ ҳисобга олинмаган.

Динамик таъсирлар бинонинг фазовий қутисининг мажбурий тебраниш масаласини кўрамиз.

(2), (3) ва (4) функциялар асосида пластинкасимон ва балка элементлари кўчишининг кинематик қонунларини қайта ёзамиз.

$$u_3(x, y, t) = A_0 \sin \omega_0 t + W(x, y, t), \quad u_3^{(i)}(x, t) = A_0 \sin \omega_0 t + W^{(i)}(x, t), \quad (20, a)$$

$$u_1(x, z, t) = A_0 \sin \omega_0 t + u(x, z, t), \quad u_2(x, z, t) = v(x, z, t). \quad (20, b)$$

Эгилишга ва силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг ҳаракат тенгламалари (5) ва (6) ҳисобга олиб қуйидагича ёзилган:

$$D\left(\frac{\partial^4 W}{\partial x^4} + 2\frac{\partial^2}{\partial x^2}\left(\frac{\partial^2 W}{\partial y^2}\right) + \frac{\partial^4 W}{\partial y^4}\right) + \rho h_b \ddot{W} = \rho h_b A_0 \omega_0^2 \sin \omega_0 t. \quad (21)$$

$$B\left(\frac{\partial^2 u}{\partial z^2} + \frac{1+\nu_c}{2}\frac{\partial^2 v}{\partial x \partial z} + \frac{1-\nu_c}{2}\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}\right) = \rho h_c \ddot{u} - \rho h_c A_0 \omega_0^2 \sin \omega_0 t, \quad (22)$$

$$B\left(\frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + \frac{1+\nu_c}{2}\frac{\partial^2 u}{\partial x \partial z} + \frac{1-\nu_c}{2}\frac{\partial^2 v}{\partial z^2}\right) = \rho h_c \ddot{v}.$$

Чегаравий шартлар (11) ва (12) $x=0$ бўлганда (20) ҳисобга олиб қуйидаги кўринишда ёзилган:

$$W = W^{(i)} = u = U_0(t), \quad (23, a)$$

$$\frac{\partial W}{\partial x} = 0, \quad v = 0, \quad \frac{\partial W^{(i)}}{\partial x} = 0, \quad \alpha^{(i)} = 0. \quad (23, b)$$

Юқори қисмнинг $x=a$ чегаравий шартлари (10, a) – (10, б) кўринишга эга.

Масаланинг умумий ечиш услубётига асосан (21) – (22) ҳаракат тенгламалари ечими (10) ва (23) чегаравий шартларни қаноатлантирувчи вектор кўринишида тақдим этилган:

$$\vec{q} = \vec{q}(x, y) \sin(\omega_0 t), \quad (24)$$

бу ерда \vec{q} – кўчиш вектори, ўн тўртта компонент ёрдамида аниқланади.

Чекли айрималар усулини қўллаш асосида кўчишнинг номаълум функциялари топилган:

$$q_i = \lambda_i \sin(\omega_0 t), \quad (25)$$

бу ерда λ_i – q_i функциянинг максимал қиймати, уни кейинги тенгламалар тизимидан аниқланади:

$$\sum_{k=1}^N (a_{i,k} \lambda_k - p^2 \lambda_k) = b_i. \quad (26)$$

Мавжудлик назариясига асосан, чизиқли тенгламалар тизими (24) ечимини унинг аниқловчисининг қиймати нолга тенг эмаслиги таъминлайди.


$$|a_{i,k} - p^2| \neq 0. \quad (27)$$

Дастлабки маълумотлар сифатида қуйидаги кўрсаткичлар берилган:

Эгилишга ишловчи пластинасимон элементлар 1 ва 3 учун қалинлик $h_b=0.5$ м баландлик $a=3.25$ м ва узунлик $b=6$ м, зичлик $\rho=2.5$ т/м³, эластиклик модули $E_b=20000$ МПа, силжига ишловчи пластинасимон элементлар 2 ва 4 учун қалинлик $h_c=0.25$ м, баландлик $a=3.25$ м, узунлик $c=6$ м, зичлик $\rho=2.5$ т/м³, эластиклик модули $E_b=7500$ МПа, пластинасимон элементлар материалининг Пуассон коэффиценти $\nu=0.25$ тенг. Ҳисобларда ташқи таъсирнинг частота қиймати $\omega_0=81.034$ рад/с тенг.


Қуйида ташқи таъсирлар остида балка ва пластинасимон элементларнинг кўчиш ҳисоблари келтирилган.

Эгилишга ва силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг учта аҳамиятли кесимларида ўлчовсиз максимал горизонтал кўчишлар $u(x,z)/A_0$ ва эгилишларнинг $W(x,y)/A_0$ вертикал бўйича ўзгаришлари 2–3 расмларда келтирилган



2– расм. Силжишга ишловчи пластинасимон элементлар кўчишларининг ўзгариши а– чапки чети б– ўртаси в– ўнг чети

2–расмда дераза ўринлари ҳисобга олинган (узук чизиқлар билан) ва олинмаган (тўлиқ чизиқлар билан) ҳолатлар учун стационар масалани ечиш орқали олинган кўчиш қийматлари акс этган.



3– расм. Эгилишга ишловчи пластинасимон элементлар кўчишларининг ўзгариши: а– ўртаси; б– 1/3 қисми; в– чети

Силжишга ва эгилишга ишловчи пластинасимон элементлари вертикал кесимларининг юқори нуқталарида кўчишлар (2,*a* - расм) ва эгилишлар (3,*a* - расм) максимал қийматга эга ($A_0=2$ см да),

$$u(x, z)_{\max} = 0.17A_0 = 0.17 \cdot 2 \text{ см} = 0.34 \text{ см}$$


$$W(x, y)_{\max} = 0.369A_0 = 0.369 \cdot 2 \text{ см} = 0.738 \text{ см тенг.}$$

Силжишга ва эгилишга ишловчи панелларнинг юқори нуқталаридаги умумий горизонтал силжишларнинг максимал қиймати (20,*a*) ва (20,*б*) формулалар бўйича

$$u_1(x, z)_{\max} = A_0 + 0.17A_0 = 2.34 \text{ см,}$$


$$u_3(x, y)_{\max} = A_0 + 0.369A_0 = 2 \text{ см} + 0.369 \cdot 2 \text{ см} = 2.738 \text{ см, тенг.}$$

Максимал σ_{zz} кучланишнинг вертикал бўйича ўзгаришини ифодаловчи график 4-расмда келтирилган.



4– расм. Силжишга ишловчи платинасимон элементлардаги σ_{zz} кучланишларнинг ўзгариши: а– чап чети; б– ўртаси; в– ўнг чети

Силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг динамик юқлар таъсир этаётган четлари сиқилишга, ўнг четлари эса чўзилишга ишлаши 4–расмда акс этган.




5–расм. Силжишга ишловчи пластинасимон элементлардаги τ_{zx} кучланишларнинг баландлик бўйича ўзгариши: а– чап чети; б– ўртаси; в) ўнг чети

Силжишга ишловчи пластинасимон элементлардаги уринма кучланишларнинг пластинасимон элементларнинг баландлиги бўйича ўзгариш қонуни 5–расмда тасвирланган.

Шуни таъкидлаймизки, ҳар бир вертикал кесимда ҳисобланган σ_{zz} ва τ_{zx} нинг қиймати балка ва пластинасимон элементлар орасидаги боғланиш кучланишлари ҳисобланади.


Эгилишга ишловчи пластинасимон элементлардан олинган кучланишларнинг сонли натижаларини муҳокама қилишга ўтамиз.

Эгилишга ишловчи пластинасимон элементлардаги нормал кучланишлар σ_{xx} максимал қийматларининг баландлик бўйича ўзгариш қонуни 6–расмда кўрсатилган. Ҳисоблар шуни кўрсатадики (6–расм) σ_{xx} кучланишларнинг максимал қийматлари пластинасимон элементларнинг остки қисмида аниқланган.



6–расм. Эгилишга ишловчи пластинасимон элементлардаги σ_{xx} кучланишнинг баландлик бўйича ўзгариши: а– ўрта қисми; б– 1/3 қисм; в– четки қисми

Эгилишга ишловчи панелнинг юқори ва остки қисмидаги сиқувчи ва чўзувчи кучланишларнинг σ_{yy} максимал қийматларининг ўзгариши 7– расмда кўрсатилган.



7–расм. Эгилишга ишловчи пластинасимон элементдаги эгувчи кўчиланишларнинг σ_{yy} баландлик бўйича ўзгариши: а– ўрта қисми; б– 1/3 қисми; в– четки қисми

Бино қутисининг эгилишга ишловчи панелларининг мажбурий тебраниш масаласининг умумий ечим функцияси мажбурий ва хусусий тебранишлар масалалари ечимининг йиғиндиси кўринишида ифодаланган:

$$W(x, y, t) = A_0 W_e(x, y) \sin \omega_0 t + \sum_{j=1}^I C_j W_j(x, y) \sin p_j t, \quad (29)$$

бу ерда: p_j – j -чи хусусий частота, C_j – доимий, аниқланиши керак бўлган, $W_e(x, y)$ – мажбурий тебраниш шакли, $W_j(x, y)$ – тебранишнинг асосий(бош) хусусий шакли, I - ажраладиган хадлар сони.

Мажбурий тебранишлар масаласининг ечими тебранишнинг асосий шакли орқали ифодаланган:

$$W_e(x, y) = \sum_{j=1}^I A_j W_j(x, y), \quad (30)$$

бу ерда A_j – ажратиш коэффициентлари.

$$A_j = \frac{\iint W_e(x, y) W_j(x, y) dx dy}{\iint W_j^2(x, y) dx dy},$$

бу ерда $W_e(x, y)$ ва $W_j(x, y)$ – мажбурий ва асосий(бош) хусусий тебранишларнинг шакллари.

(30) ни (29) кўйиб ва ноллик бошланғич шартга бўйсунуб $C_1 = -A_0 A_1 (\omega_0 / p_1)$ ни оламиз.

Ушбу ифода орқали ва (30) ни ҳисобга олиб эгилишга ва силжишга ишловчи пластинасимон элементлар учун масаланинг умумий ечимлари куйидаги кўринишга эга

$$W(x, y, t) = A_0 \left(\sin \omega_0 t - \frac{\omega_0}{p_1} \sin p_1 t \right) W_e(x, y). \quad (31, a)$$

$$u(x, z, t) = A_0 \left(\sin \omega_0 t - \frac{\omega_0}{p_1} \sin p_1 t \right) u_e(x, z, t), \quad (31, б)$$

$$v(x, z, t) = A_0 \left(\sin \omega_0 t - \frac{\omega_0}{p_1} \sin p_1 t \right) v_e(x, z, t). \quad (31, в)$$

Балкаларнинг кинематик функцияси куйидагича ёзилади:

$$W^{(i)}(x, t) = A_0 \left(\sin \omega_0 t - \frac{\omega_0}{p_1} \sin p_1 t \right) (W_e^{(i)}(x)), \quad (31, г)$$


$$\alpha^{(i)}(x, t) = A_0 \left(\sin \omega_0 t - \frac{\omega_0}{p_1} \sin p_1 t \right) \alpha_e^{(i)}(x). \quad (31, д)$$

Шундай қилиб, қўйилган масала бўйича чегаравий шартларни, томёпмалар, пластинасимон ва балка элементларининг ўзаро боғланиш шартларини, ҳамда ноллик бошланғич шартларни қаноатлантирувчи умумий ечим (31) кўринишида қурилган.

Узук чизиқли графикларда стационар масала ечими олинган, узуксиз чизиқларда эса масаланинг бошланғич шартларини ҳисоб олиб эгилишлар олинган.

Силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг юқори нуқтасининг ($x=a, z=0$) горизонтал кўчишининг ўзгариш графиклари (9, а– расмга қаранг) ва

эгилишга ишловчи пластинасимон элементларнинг юқори ($x=a$, $y=b/2$) нуқталарининг кўчишлари (9,б – расмга қаранг) 9 расмда келтирилган.




9–расм. Силжишга (расм. 9а $x=a$, $z=0$) ва эгилишга (расм. 9б $x=a$, $y=b/2$) ишловчи пластинасимон элементларнинг юқори нуқталари кўчишларининг вақт бўйича ўзгариш графиги

Масаланинг бошланғич шarti ҳисобга олинганда эгилишлар қиймати 20% гача (9–расм) кўп эканлигин кўришимиз мумкин. Баланшлик бўйича ўрта ва остки қисмларга яқин эгилиш графиглари 10-12 % га фарқ қилади.


Эгилишга ишловчи пластинасимон элементларнинг четки кесимининг юқори ($x=a$, $y=0$) нуқтасидаги σ_{yy} кучланишларнинг ва ўрта ($x=a$, $y=b/2$) нуқталаридаги σ_{xx} кучланишларнинг вақт бўйича ўзгариш графиглари 10– расмда келтирилган.

Ҳисоблар, масаланинг бошланғич шартларини ҳисобга олганда нормал кучланишларнинг σ_{yy} ва σ_{xx} максимал қийматлари стационар масаланинг ечимидан олинган нормал кучланишлар қийматидан 15-20% кўплигини кўрсатмоқда.



10–расм. Эгилишга ишловчи пластинасимон элементнинг юқори(а) ва остки(б) нуқталаридаги σ_{yy} ва σ_{xx} нормал кучланишнинг вақт бўйича ўзгариш графиги

Силжишга ишловчи пластинасимон элементларнинг четки кесимининг юқори ($x=a$, $z=0$) нуқталаридаги нормаль σ_{xx} ва уринма τ_{zx} кучланишларнинг вақт бўйича ўзгариш графиглари 11– расмда келтирилган.



11–расм. Силжишга ишловчи пластинасимон элементнинг четки кесимининг юқори нуқталаридаги нормал σ_{xx} ва уринма τ_{zx} кучланишнинг вақт бўйича ўзгариш графиги

ХУЛОСА

«Элементларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бино қутисимон конструкциясининг динамик ҳисоблаш усули» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

1. Динамик (зилзилада) таъсирларда бинонинг фазовий деформациясини акс этувчи конструкциянинг қутисимон динамик модели такомиллаштирилди. Такомиллаштирилган қутисимон конструкциянинг динамик модели сейсмик тебранишлар таъсирида бинонинг фазовий динамик ҳолатини изоҳлаш имконини беради.

2. Динамик таъсирларда бино қутисимон конструкциясининг чегаравий ва унинг элементларининг бирлашган ҳудудларидаги боғланиш шартларини ҳисобга олиб масаланинг қўйлиши шакллантирилган. Шакллантирилган бино қутисимон конструкциясининг масаласи балка ва пластинасимон элементларининг ўзаро таъсирни тўлиқ ифодаловчи тузулмавий таснифни ҳисобга олган ҳолда бино қутисимон конструкциясининг бирлашган ҳудудларини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Чекли айрималар усули доирасида балка ва пластинасимон элементларнинг бирлашган ҳудуд нуқталарининг ҳаракат тенгламаларининг чекли айрима аппроксимациялари қурилди. Қурилган ҳаракат тенгламалари пластинасимон элементлар ва бирлашган ҳудудларнинг максимал кучланишларини баҳолаш ва кучланганлик – деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш имконини беради.

4. Хусусий тебраниш частотасини ҳисоблаш услуби ва хусусий тебраниш масаласини ечишнинг сонли усули ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган хусусий тебраниш частотасини ҳисоблаш услуби ва хусусий тебраниш масаласини ечишнинг сонли усули бино қутисимон конструкциясининг дераза ўринларини ҳисобга олиб ва ҳисобга олмаган ҳолда фазовий тебранишнинг хусусий шакли ва даврини аниқлаш имконини беради.

5. Бино қутисимон конструкциясининг динамик ҳисоблаш услуби ва мажбурий тебраниш масаласининг сонли ечиш усули ишлаб чиқилди. Ишлаб

чиқилган бино қутисимон конструкциясининг динамик ҳисоблаш услуги ва мажбурий тебраниш масаласининг сонли ечиш усули динамик таъсирларда бино қутисимон конструкциясининг балка ва пластинасимон элементлардаги кучланиш ва кўчишларни аниқлаш имконини беради.

6. Бино қутисимон конструкциясининг балка ва пластинасимон элементларининг бирлашган ҳудударидаги кучланишларни ҳисоблашнинг динамик усулби ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган услуб балка ва пластинасимон элементларининг хавфли кесимларини аниқлаш имконини беради.

7. Балка ва пластинасимон элементларнинг аҳамиятли нуқталаридаги эгилиш ва кучланишларнинг максимал қийматларининг вақтга боғлиқ ўзгариш қонунлари графиклари келтирилган. Балка ва пластинасимон элементларнинг аҳамиятли нуқталаридаги эгилиш ва кучланишларнинг максимал қийматларининг вақтга боғлиқ ўзгариш қонунлари бино қутисининг хавфли кесимларидаги кўчиш ва кучланишларнинг максимал қийматини аниқлаш имконини беради.

8. Бино қутисимон конструкциясининг кучланганлик – деформацияланганлик ҳолати аниқланган. Эгилишга ва силжишга ишловчи бўйлама ва кўндаланг пластинасимон элементларнинг, ҳамда балкаларнинг баландлиги бўйича учта аҳамиятли кесимларда эгилишнинг максимал қийматлари топилган.

9. Бинонинг қутисимон конструкциясининг мажбурий стационар ва ностационар тебраниш масалалари ечилиб, бошланғич шартларни ҳисобга олган ҳолда эгилувчи пластинкасимон ва балка элементларнинг кўчишларининг максимал қийматлари аниқланди. Бино қутисимон конструкциясининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МЕХАНИКИ И
СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ

МАМАТИСАЕВ ГИЁСИДДИН ИЛХОМИДИНОВИЧ

**МЕТОДИКА ДИНАМИЧЕСКОГО РАСЧЕТА КОРОБЧАТОЙ
КОНСТРУКЦИИ ЗДАНИЙ С УЧЕТОМ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ИХ
ЭЛЕМЕНТОВ**

01.02.04 – Механика деформируемого твердого тела

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.2.PhD/T626.

Диссертация выполнена в Институте механики и сейсмостойкости сооружений Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.instmech.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Усаров Махаматали Корабоевич доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Абдусатторов Абдусамат доктор технических наук, профессор Худойназаров Хайрулла доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Наманганский инженерно-строительный институт

Защита диссертации состоится «23» декабрь 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений АН РУз (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33, зал заседаний – 1. Тел.:(99871) 262-71-52; факс:(99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Урозбаева Академии наук Республики Узбекистан (регистрационный номер –4). Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Дурман йули, 33.

Автореферат диссертации разослан «10» декабрь 2020 года.
(реестр Протокола рассылки №– от «10» декабрь 2020 года).



М.М. Мирсаидов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик АН РУз

А.М. Фатхуллоев
Вр.и.о ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент.

Р.А. Абиров
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире строительства лучшими сооружениями, в смысле сейсмостойкости, являются те, надежность которых обеспечивается не только за счет прочности материала конструкции, но, главным образом, за счет их формы и размеров. Однако, проведение динамических расчетов конструкций зданий на сейсмостойкость в строгой пространственной постановке затруднено ввиду сложности учета конфигурации.

Анализ последствий многих землетрясений позволил выявить зависимость между повреждаемостью зданий и их конфигурацией в плане: чем сложнее план, тем больше вероятность нарушения целостности объема здания, разрыва конструкций и связей между ними, прежде всего, в местах соединения стен различных направлений, т.е. вблизи внутренних и внешних углов. Причины повреждений кроются в неравномерной деформируемости зданий, связанной, например, с возникновением крутильных колебаний, неравномерной осадкой грунтового основания, отсутствием симметрии плана, нарушением регулярности здания по высоте и т.д. Большинство указанных причин связано с пространственной работой зданий при сейсмических перемещениях грунта, не совпадающих с основными осями здания, и поэтому не могут быть учтены в рамках существующих консольных расчетных моделей, но могут быть прогнозируемы в рамках пространственных моделей зданий. Поэтому выбор уточненных моделей, отражающих пространственную работу зданий при сейсмических воздействиях, и разработка методики их динамического расчета остаются актуальной задачей и являются дальнейшим этапом развития теории сооружений в строительной механике.

Одна из актуальных задач теории сейсмостойкости – учет влияния выключаемых связей, расчет взаимодействующих панелей с учетом оконных и дверных проемов.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы ставится задача реализации таких целевых программ, как «...строительство доступного энергоэффективного многоквартирного жилья в городах, ... реконструкция и капитальный ремонт существующих домов для улучшения условий жизни населения...»¹. Осуществление данной задачи предопределяется необходимостью совершенствования методов расчета зданий и сооружений на сейсмические воздействия, а также численного расчета напряженно-деформированного состояния зданий и сооружений и определения их динамических характеристик на основе коробчатой модели конструкции здания.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5066 от 1 июня 2017 г. «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3190 от 9 августа 2017 г. «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», №ПП-4794 от 30 июля 2020 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан» и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №71 от 3 апреля 2007 г. «Государственная Программа по прогнозированию и предупреждению чрезвычайных ситуаций», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Математика, механика, сейсмодинамика сооружений и информатика» и программой XIV. «Сейсмология, сейсmobезопасность зданий, сооружений и строительство».

